

ДАВОЛАШ ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИ ЧИҚИНДИЛАРИНИНГ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

*Шерқўзиева Гузал Фахритдиновна¹, Саломова Феруза Ибодуллоевна¹, Рахимов Баходир
Бахтиёр ўғли¹, Умуров Шамсиддин Сатторович¹, Файзибоев Сардор Сарвар ўғли¹*

¹Тошкент тиббиёт академияси

RESULTS OF HYGIENIC ASSESSMENT OF WASTE FROM MEDICAL AND PREVENTIVE INSTITUTIONS

*Sherkozieva Guzal Fakhriddinovna¹, Salomova Feruza Ibadullayevna¹, Rakhimov Bahodir
Bakhtiyorovich¹, Umurov Shamsiddin Sattorovich¹, Fayziboyev Sardor Sarvarovich¹*

¹Tashkent Medical Academy

РЕЗУЛЬТАТЫ ГИГИЕНИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ ОТХОДОВ ЛЕЧЕБНО- ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ УЧРЕЖДЕНИЙ

*Sherkozieva Guzal Fakhriddinovna¹, Salomova Feruza Ibadullayevna¹, Rakhimov Bahodir
Bakhtiyorovich¹, Umurov Shamsiddin Sattorovich¹, Fayziboyev Sardor Sarvarovich¹*

¹Tashkent Medical Academy

https://doi.org/10.62209/SPJ/vol5_Iss2/art6

Аннотация: Даволаш профилактика муассасаларининг экологик ҳолатига ва беморларнинг тез тузалиб кетишларига нафақат шифохоналарда яратилган шарт-шароитлар, балким уларда ҳосил бўладиган тиббий чиқиндиларни ўзига хос хусусиятлари, сақлаш ва зарарсизлантиришда гигиеник меъёрларларга эътибор берилишига ва профилактик тадбирий чораларни тўғри ташкил этилишига ҳам боғлиқ. ДПМларда ҳосил бўлган тиббий чиқиндилар таркиби ва миқдори таҳлил қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик: шприцлар миқдори - 441,2 кг, системалар - 638,8 кг ва “Б”тоифадаги тиббий чиқиндилар - 640,6 кг. ни ташкил этди.

Калит сўзлар: саломатлик, шприц, тиббий чиқиндилар, профилактика, гигиеник меъёрлар, ташқи муҳит, токсикологик, радиацион хавф.

Abstract: The ecological condition of treatment and prevention institutions and the speed of patient recovery depend not only on the conditions created in hospitals but also on the specific characteristics of medical waste generated, the hygienic standards of its storage and disposal, and the proper organization of preventive measures. We analyzed the composition and quantity of medical waste produced in healthcare institutions and obtained the following results: the amount of syringes – 441.2 kg, systems – 638.8 kg, and category "B" medical waste – 640.6 kg.

Keywords: health, syringe, medical waste, prevention, hygienic standards, environment, toxicology, radiation risk.

Аннотация: Экологическое состояние лечебно-профилактических учреждений и скорость выздоровления пациентов зависят не только от созданных в больницах условий, но и от специфики медицинских отходов, образующихся в этих учреждениях, их хранения, утилизации с соблюдением санитарных норм и правильной организации профилактических меро-

приятый. Мы проанализировали состав и количество медицинских отходов, образующихся в ЛПУ, и получили следующие результаты: количество шприцев – 441,2 кг, систем – 638,8 кг и медицинских отходов категории «В» – 640,6 кг.

Ключевые слова: здоровье, шприц, медицинские отходы, профилактика, санитарные нормы, окружающая среда, токсикологический, радиационный риск.

Долзарблиги. Инсон саломатлигини муҳофаза қилувчи омилларда даволаш профилактик муассасалар (ДПМ) ва улар ичида юзага келадиган касалликларни тарқалиши ўзига хос ҳолатлари, ДПМ экологик ҳолатига узвий боғлиқлиги, шу билан бирга уларда ҳосил бўладиган тиббий чиқиндиларни ўзига хос хусусиятлари, сақлаш ва зарарсизлантиришда гигиеник меъёрларларга эътибор берилишига ва профилактик тадбирий чораларни тўғри ташкил қилишдан иборат [6].

Даволаш профилактика муассасалар режалаштиришда ва ишлатишда гигиеник талабларни тўғрибажармаса, меъёрлар бузилса касалхона ичида касалликларни тарқалишига ўзлари сабабчи бўладилар [2,4,5,7,9,10]. ДПМлардан ҳосил бўладиган чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва олиб кетиш тизимини бузилиши, зарарсизлантириш усуллари бузилиши атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Тиббий чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва олиб кетиш санитария қонун қоидалари заминиди олиб боришдан иборат [1.3.8.11].

Текшириш усуллари ва объекти. Биз шифохоналардан ҳосил бўлаётган тиббий чиқиндиларни гигиеник баҳолашда қуйидаги ҳужжат асосида баҳоладик: «ДПМ чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва олиб кетишни санитария қонун қоидалари» Текшириш объекти эса РО ва РИТМ ҳисобланди.

Текшириш натижалари. Меъёрий ҳужжатга асосан ДПМ да барча чиқиндилар мутахассислигидан қатъий назар иш фаолиятига қараб чиқиндилар хавфлилик даражасига бўлинади. Барча чиқиндилар ДПМ да эпидемиологик жиҳатдан, токсикологик ва радиацион ҳолати бўйича қуйидаги туркумларга бўлинади: «А» гуруҳ ДПМ чиқиндилари ташқи муҳитга хавфсиз; «Б» гуруҳ ДПМ чиқиндилари ташқи муҳитга


хавфли; «В» гуруҳ ДПМ чиқиндилари ташқи муҳитга ўта хавфли; «Г» гуруҳ ДПМ чиқиндилари корхона чиқиндиларига яқинроқ; «Д» гуруҳ ДПМ чиқиндилари радиактив моддаларга бой.

Даволаш профилактика муассасаларининг майдонларида чиқиндиларни йиғиш, вақтинча сақлаш ва олиб кетишни ташкил қилиш усули қуйидаги босқичлардан иборат: Даволаш профилактика муассасаларини хоналар ичида ҳосил бўладиган чиқиндиларни йиғиш; корпуслар орасида контейнерларни олиб кетилиши ва юклаш; даволаш профилактика муассасалари майдонларида чиқиндиларни вақтинча сақлаш; корпуслар орасида контейнерларни зарарсизвириш майдонларига олиб бориш.


РО ва РИТМ да ҳосил бўлган тиббий чиқиндилар бўйича маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2021 йилда қуйидаги миқдорда ҳосил бўлган ва четлаштирилган: ниналар учун контейнерлар сони - 258 та, шприцлар миқдори - 1413 кг, системалар - 1651 кг ва “Б”тоифадаги тиббий чиқиндилар - 1475 кг ни ташкил этди (1-расм).

Авария ҳолатларида чиқиндилар ва транспортлар тезкорлик билан жойларда дезинфекция қилинади. Дезинфекция қилинадиган жой текис ва чиқинди сувлар кетиш жойи аниқланган бўлиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, биз 2021 йили 6 ойлик муддатда ҳосил бўлган тиббий чиқиндилар таркиби ва миқдорини таҳлил қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик: ниналар учун контейнерлар сони - 408 та, шприцлар миқдори - 1753 кг, системалар - 246,8 кг ва “Б”тоифадаги тиббий чиқиндилар - 191,6 кг.ни ташкил этди (2-расм).



1-расм. 2021 йилда РО ва РИТМ да ҳосил бўлган тиббий чиқиндилар миқдори




2-расм. 2021 йил 6 ой мобайнида РО ва РИТМ да ҳосил бўлган тиббий чиқиндилар миқдори

Чиқиндиларни сақлаш ва олиб кетиш шарт шaroитларига қуйидаги талаблар қўйилади. «А» «В» «Г» синф чиқиндилари ёпиқ идишларда бўлиши керак. Барча чиқиндилар контейнерлари доимий равишда алмаштирилиб турилиши ва озиқ-овқат чиқиндилари музлатгичларда сақлаш тавсия этилади. «А» гуруҳ чиқиндилари полигонларда зарарсизлантирилади. «Б» ва «В» синф чиқиндилари махсус жойларда зарарсизлантирилади. «Г» синф токсик моддалар қандай зарарсизлантирилса

шундай зарарсизлантириш тавсия этилади. ДПМ чиқиндилар йиғиш жойи шахсий гигиенага риоя қилган ҳолда анжомлар билан таъминланган бўлиши керак.

Биз 2022 йили 6 ойлик муддатда ҳосил бўлган тиббий чиқиндилар таркиби ва миқдорини таҳлил қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик: ниналар учун контейнерлар сони - 412 та, шприцлар миқдори - 441,2 кг, системалар - 638,8 кг ва «Б» тоифадаги тиббий чиқиндилар - 640,6 кг.ни ташкил этди (3-расм).



3-расм. 2022 йил 6 ой мобайнида РО ва РИТМ да ҳосил бўлган тиббий чиқиндилар миқдори

Хулоса. Йиллар динамикаси ДПМ да ҳосил бўлган тиббий чиқиндиларнинг таркиби ва миқдори бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, барча кузатув йилларида дори-дармонларни қон томир орқали юборишда ишлатиладиган системалар энг кўп ҳосил бўлган. Кейинги

ўринда эса «Б» тоифадаги тиббий чиқиндилар кўп ҳосил бўлган. Шунинг қайд этиш керакки, барча турдаги тиббий чиқиндиларни йиғиш идишлари, сақлаш ва зарарсизлантириш тўғри ташкил этилган ва атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сан. Қ. ва М. «ДПМ чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва олиб кетишни санитария қонун қоидалари». Тошкент 2022 й.
2. Саломова Ф.И., Садуллаева Х.А., Шерқўзиева Г.Ф., Шарипова С.А., Ахмадалиева Н.О., Миршина О.П. Сан. Қ. ва М. № 0012-21. – Т., 2021. – 15 б. “COVID-19 пандемияси даврида чеклов тадбирларини қўллаш шароитида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бўйича санитария–эпидемиологик талаблар”.
3. Саломова Ф.И., Садуллаева Х.А., Шерқўзиева Г.Ф., Ахмадалиева Н.О. Ўзбекистонда COVID-19 га қарши кураш тажрибаси ва касалланганларни даволашга мослаштирилган шифохоналарда даволаниш шароитларига гигиеник характеристикаси Журнал “Инфекция, иммунитет и фармакология”. – Т., 2021. - №4. – Б. 86-89.
4. Саломова Ф.И., Шерқўзиева Г.Ф., Искандаров А.Б., Урманова Л.Ж. Аҳолининг дизентерия касаллиги билан касалланиши ва унинг профилактикасида сув сифатининг аҳамияти. Application of high innovative technologies in preventive medicine/ Republican scientific and practical conference with international participation. Andijan. 2023. Б. 1162-1163.
5. Саломова Ф.И., Садуллаева Х.А., Шерқўзиева Г.Ф., Ахмадалиева Н.О. Ўзбекистонда COVID-19 га қарши кураш тажрибаси ва касалланганларни даволашга мослаштирилган шифохоналарда даволаниш шароитларига гигиеник характеристикаси. 2021 й.
6. Самигова Н.Р., Шерқўзиева Г.Ф., Хаширбаева Д.М. Гигиенические особенности условий труда производства лекарственных препаратов на основе растительного сырья.

Материалы международной научно-практической конференции «Современное состояние фармацевтической отрасли: проблемы и перспективы», Ташкент. 2021 г.

7. Самигова Н.Р., Шеркузиева Г.Ф., Мусаев Э.В., Рустамова М.К., Хаджаева У.А. Особенности условий труда медицинских работников санитарно-гигиенических лабораторий. Academy, 2019. (2 (41)), 97-98.

8. Мусаева О.Т., Шеркузиева Г.Ф., Исмоилова У.Б., Эргашева Ш.К. Особенности течения диффузного нетоксического зоба во время беременности. International scientific review. 2016. (7 (17)), 97-98.

9. Шеркўзиева Г.Ф., Юсуфхўжаева А.М. Экологиянинг долзарб муаммолари ва уни ечиш йўллари. Журнал “Вестник Ташкентской медицинской академии”. Т., 2021. Спецвыпуск. – С. 266-267.

10. Шеркўзиева Г.Ф., Урманова Л.Ж., Бобоева И.Ў. Тиббий чиқиндилар муаммоси ва ечими. V Международная научно-практическая конференция “современные достижения и перспективы развития охраны здоровья населения” Всемирный день здоровья. Ташкент. С. 199-201.

